



Ташкент Оқшом

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2010 йил 4 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

XXI аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарё вилоятининг «Кум-қўрғонматлуботсавдо» масъулияти чекланган жамиятида 36 минг 472 АҚШ доллари эвазига хориждан олиб келинган замонавий технологиялар ўрнатилиб, ишга туширилди.

● Наманган шаҳридаги «Истиклол-2000» масъулияти чекланган жамиятида кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 30 тага етди.

● Жиззах вилоятида 2010-2011 йил қиш мавсуми учун 17 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар тайёрлаш-сақлаш омборларида 10 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот жамғарилди.

● Фарғона шаҳридаги «Автоойна» очиқ акциядорлик жамиятида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги вазифаларга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Маънавий тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда саноат корхоналари раҳбарлари иштирок этди.

● Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Тошкент вилоятида 1 миллион 293 минг нафар хотин-қизнинг икки минг нафардан зиёди хусусий тадбиркорлик, 500 нафарга яқини фермерлик соҳасида фаолият юритиб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муносиб улуш қўшиб келмоқда.

ЖАҲОНДА

● Грецияда халқаро почта хизматининг тўхтатилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Қарор 48 соат давомида амал қилади. Бу вақт ичида ҳукумат раҳбарлари номига жўнатишган барча почталар хавфли предметлар юзасидан текширувдан ўтказилади.

● АҚШда 87 яшар пиёдани велосипедда туртиб юборган олти ёшли қизча суд қилинмоқда. Воқеа 2009 йилнинг апрель ойида юз берган. Айбдор Жүльет Брейтман эса ўша пайтда бор-йўғи тўрт ёшда бўлган.

● Хитойда таркибида сибутрамин моддаси бўлган, озишга ёрдам берувчи дори сотуви тўхтатилди. Ушбу воситанинг организмда инфаркт ва инсульт келтириб чиқариши эҳтимоли юқори эканлиги ҳақидаги маълумотларга асосланиб, мамлакат фармацевтика назорати бошқармаси шундай қарор қабул қилди.

● «Томас» тўфони Кариб денгизида жиддий хавф солмоқда. Соатига 184 километр тезликда ҳаракатланаётган табиий офат соҳиллардаги кемаларни чўктириб юборган, қаттиқ жала ёғиши давом этмоқда.

● Ироқ пойтахти Бағдодда ўтган якшанба куни бир неча қуролли шахс қимматбаҳо қоғозлар биржасига ҳужум қилган, ибодатхонадагилар гаровга олинган.

● Швейцариянинг Цюрих шаҳрида археологлар тош асрида яшаган инсонлар кулбасининг «аъло даражада сақланган» эшигини топганлар. Эрамиздан олдинги 3063 йилда ясалган ушбу топилма Европа ҳудудида шу пайтгача аниқланган энг қадимги эшикдир. Унинг бўйи 153 сантиметрдан иборат.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар оқимида

ИМКОНиятлардан САМАРАЛИ Фойдаланиб

Бугунги кунда мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан таъминланмоқда.

«Elima» масъулияти чекланган жамиятида буюртма асосида махсус иш кийимлари ишлаб чиқарилади. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш, рақобатбардорлигини ошириш мақсадида корхонада айни иш жараёнида зарур бўлган кичик ҳажмдаги аксессуарлар ҳам тайёрланиши йўлга қўйилди.

— Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусу-

сий тадбиркорлик ривожига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди корхона раҳбари Елена Гулмитдинова. — Президентимизнинг тадбиркорликка оид бир қатор фармон ва қарорлари бизнинг ҳам фаолиятимиз янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ҳуқуқий ғимоя таъминланганлиги, қатор имтиёзлар берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш ўринли. Кичик корхоналар бозорга тез мослашувчан бўлади. Ҳозирда 20 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонамиз ҳам буюртма қўламини, бажариш мuddати, маҳсулот турларига қараб мослашиб бормоқда. Ишчиларнинг малакаси, касб маҳорати ҳам, албатта, алоҳида ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда)

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ ВА СИФАТИ ОРТМОҚДА

Юртимизда хорижлик шериклар билан ҳамкорликда барпо этилган корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда. Уларнинг фаол иш юритиши, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиши учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилган. Бу чет эл бизнес доираларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқишини тобора оширмоқда. Пойтахтимиздаги «Электрон ҳисоблагич» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси бунга яхши мисолдир.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «Holley Group» корпорацияси ҳамкорлигининг амалий натижаси бўлган «Электрон ҳисоблагич» қўшма корхонаси 2004 йилда ўз фаолиятини бошлаган. У электр энергияси сарфини ҳисоблайдиган турли хил ҳамда турли ўлчамдаги бир ва уч фазали ҳисоблагичлар ишлаб чиқаради. Корхонада илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати, қулайлиги, халқаро андозаларга мослиги билан ажралиб туради.

— Илгари Ўзбекистонга бундай ҳисоблагичлар хориждан келтирилар эди, — дейди «Электрон ҳисоблагич» қўшма корхо-

наси директорининг биринчи ўринбосари Роберт Ли. — Бугун улар мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилаётгани кўп вақт ва валюта тежаш имконини бераётди. Корхонамиз Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада мунтазам иштирок этиб келмоқда. Бир фазали DTS541, DSS531, E541 электрон ҳисоблагичларни намоиш қилмоқдамиз. Ўтган йилги ярмаркада умумий қиймати 3 миллиард сўмлик шартномалар тузган эдик. Бу сафар келишувларимиз ҳажмини 7 миллиард сўмга етказишни мўлжаллаяпмиз.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ўтказилган 2010 йилги жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ғимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Кариев Рустам Игамбердиевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийи

Турсунбоев Хайдарали Умаралиевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

«Жасорат» медали билан

Арапов Мухаммадазиз Хакимович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Рустамов Умарали Махмудович — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Тураҳўжаев Қудрат Сайдиллаҳўжаевич — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 3 ноябрь

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 ноябрь куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Импортчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, машинасозлик, геология ва минерал ресурслар, қурилиш, кимё, фармацевтика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари А.Қамоллов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитди. Ташриф асносида кўплаб соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ҳамкорлигини

янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 84 компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат, металлни қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди.

Бизнес-семинарда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари биргаликда Ўзбекистон ва Жанубий Корея бизнес маконида ҳамкорлигини янада ривожлантириш имкониятлари юзасидан фикр алмашди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг «Hanshin International», «Irvine Business Group», «True Trading», «Shiba Korea», «Blue Bird», «World Juice», «Life and Line», «ICT» каби кўплаб фирма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Бу уларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигига эътибори кучаяётганидан далolatдир.

— 1970 йилда ташкил топган уюшмамиз тизимида тўққиз мингдан зиёд компания фаолият

юритади, — деди ЎЗА муҳбирига Корея Республикаси Импортчилар уюшмаси раиси Ли Жу Тэ. — Биз маҳсулот ва хизматларни импорт қилиш билан шуғулланамиз. Машинасозлик, енгил саноат, қурилиш, озиқ-овқат каби соҳаларда иш юритувчи корхоналар маҳсулотларининг Жанубий Кореяга импортини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонга келдик. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун барча шароит, имконият ва имтиёзлар яратилган. Ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Бизнес-семинар якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Иштирокчилар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, биргаликда икки томонлама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олди.

Мадина УМАРОВА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз муҳбарларимиз хабарларидан.

✓ **МИРОБОД** туманидаги 110-мактабда «Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг овқатланишини яхшилаш» мавзусида семинар ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент давлат техника университетида шаҳар наркология диспансери, ОИТС-га қарши курашиш маркази мутахассислари иштирокида «Гив-вандлик — аср вабоси» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** ИВВ қошидаги «Наврўз» мактабгача таълим муассасасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

✓ **КЕЧА** «Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Осиё чемпионати ярим финалига йўлланма олган терма жамоалар бош мураббийлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

НАНОФИЗИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими томонидан Жанубий Кореянинг Донггук университети ҳузуридаги «Квант функционал яримўтказгичлар» илмий-тадқиқот маркази ҳамда Фан ва техникани қўллаб-қувватлаш жағфармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда икки мамлакатдан олим ва мутахассислар, олий таълим муассасалари профессор ва ўқитувчилари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, жумладан илм-фан соҳасида ҳам жадал тараққий этаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш борасида амалга ошириладиган кенг

Пойтахтимизда «Нанотехнология: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар. Квант функционал материаллар ва қурилмалар» мавзусида Ўзбекистон ва Жанубий Корея олимларининг навбатдаги қўшма симпозиуми бўлиб ўтди.

қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётди. Бунда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида ташкил этилган нанотехнологияларнинг хусусиятларини ўрганивчи таркибий акселантиришлар илмий-тадқиқот маркази ўта ноёб техника — ёритувчи электрон микроскоп билан жиҳозланган. Бу мутахассислари-

мизга наноматериалларни тасвирга олиш ва кечаётган жараёнларни янада аниқ кузатиш имконини бermoқда. Бу ердаги истиқболли тадқиқотлар лабораторияси илмий ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётди. Мамлакатимизда қаттиқ жисмлар физикаси, молекуляр физика, нозиклики динамика каби фан мактабларини ривожлантириш, илмий фаолиятни изчил такомиллаштириш учун яратилган қулай шароит замонвий нанотехнология соҳасида ана шундай муҳим натижаларга эришишга хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистонда нанотехнология илм-фаннинг бошқа йўналишлар-

ри каби жадал ривожланмоқда, — деди ЎзА муҳбирига Корея Республикаси Донггук университети ҳузуридаги «Квант функционал яримўтказгичлар» илмий-тадқиқот маркази директори, профессор Таи Вон Канг. — Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш ниятида-миз.

Симпозиумда қаттиқ жисмлар физикаси, яримўтказгичлар ва юмшоқ наноўлчамли тизимлар физикаси, хусусан, фотон кристаллар ва углеводород нанотрубкалари, нанотузилиш юмшоқ тизимлар ва суюқ аралашмаларда молекуляр ҳаракат, спинтрониклар учун магнитли яримўтказгичларга оид мавзуларда маърузалар тингланди. Нанотехнология илми ва технологиялари соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, истиқболдаги вазифалар, соҳада кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА

Иқтисодиёт

ЁШЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Аҳоли бандлигини таъминлашда, ёшлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратишда кичик ва хусусий бизнес субъектларининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда.

Бир неча йилдан буён иш юритаётган «Dil Baxt» масъулияти чекланган жамиятида йил сайини иш ўринлари кўпайиб бормоқда. Цехларни янги дастгоҳлар билан жиҳозлаш асносида ишлаб чиқариш кенгайтирилиши, маҳсулот турлари кўпайиши бунга имконият бўлмоқда.

— Маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда харидорлар эҳтиёжига яраша замонавий мебель ишлаб чиқарамиз, — дейди корхона директори Бахтиёр Шокиров. — Шунинг баробарида маҳсулотларимиз таннархини ҳам арзонлаштиришга ҳаракат қилаёلمиз. Замонавий технологиялар асосида янги турдаги ошхона, ётоқхона, меҳмонхона учун тўпламлар, юмшоқ мебель тайёрлаёلمиз. Кейинги йилларда ишлаб чиқараётган мактаб ўқув жиҳозлари айниқса буюртмачиларга манзур бўлмоқда. Бу йилда шаҳримиз ҳамда пойтахт вилоятининг Пскент, Куйи Чирчиқ туманларида жойлашган касб-хўна колледжлари учун махсус мебель жиҳозлари тайёрлаб бердик.

Корхонада хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик асосида қўшма корхона ташкил этиш кўзда тутилган. Янги корхонанинг иш бошлаши рақобатбардош маҳсулот турларини кўпайтириш баробарида янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам муҳим ҳисса бўлади.

Шарофат БАХРОМОВА

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР

Маҳаллий хом ашёдан қуруқ қурилиш аралашмалари тайёрлаш технологиясидан бугунги кунда бунёдкорлик ишларида кенг фойдаланилмоқда. Бир гуруҳ мутахассислар изланиши натижасида юзтага келган қурилиш аралашмаларини бундай илгор усулда тайёрлаш республикамизда янги ўзлаштирилди.

Шу яқин-яқингача бу хил пишиқ ва сифатли материаллар четдан олиб келинарди. Бу эа кўп ҳолларда ишнинг самарадорлигига, сарф-харажатлар миқдори таъсир этади. Тошкентдаги қурилиш ташкилоти изланиши натижаи бўлиши ушбу лойиҳа қатор афзалликларга эа бўлиб, энг яхши ихтиро деб баҳоланди.

Сифати жиҳатидан импорт ўрнини босадиган бундай маҳсулотга талаб ортиб бормоқда. Ушу лойиҳа қурилиш соҳасида ўзига кенг йўл тди. Бинобарин, бунёдкорлик ишларида 1,53 мартагача самарадорлигини оширади. Устига у-так сарф-харажатни уч-беш мартага камайтиради.

Механика ва иншоотларнинг сейсмик му-таҳкамлиги институтининг бир гуруҳ олимлари қўл урган янгилик ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортди. «Локомотивнинг тортив электр двигателининг кутуби чулғами» ҳамда «транспорт воситалари кузовининг пол тў-маси» каби лойиҳалар ҳам амалиётга татбиқ этилди. Вагон полига демпфер тўшамаси ўр-тилиши орқали унга тушадиган динамик куча-ниш камайтирилишига эришилади. Бундай тўшамача электровоз ва 11 та вагонга ўра-тилди.

Таълим

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ДОИРАСИДА

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Ўзбекистон Банк-молия академияси у соҳа учун етук раҳбар кадрларни тайёрлайди. Яқинда ўзининг 15 йиллигини нишонлаш тароудини кўраётган мазкур ўқув даргоҳини ҳа йили юз нафардан ортиқ магистр битириб, мустақил йўлланма олмақда.

Дунёнинг 40 дан ортиқ ривожланган мала-катлари билан алоқа ўрнатганлигини ҳам атиб ўтиш лозим.

Шуниси эътиборлики, банк 1997 йилдан-Европа банк тизими ўқитиш марказининг му-бир аъзоси ҳисобланади. Айни вақтда Шарқий сиё банк-молия тизимида доир билимлар ҳам қув дастуридан ўрин олган.

Япония молия вазирлиги стратегик тадқиқот институти билан алоқа ҳам ўз ижобий нати-жасини бermoқда. Қолаверса, академиянинг би-ринчи проректори этиб Япония фуқароси ош-хара Китамура тайинлаганини эслатиб ўтишар-кор. Ўқув даргоҳи Россия банклар ассоциация-си билан ҳам алоқани йўлга қўйган.

Ўзбекистонга жалб қилинган хорижий ив-естияларнинг тўғри тақсимланишини йлга қўйиш мақсадида академияда «Лойиҳаларни молиялаш» факультети очилди. Эндилик бу йўналиш бўйича қабул қилинган тингловлар тегишли фанлар билан биргаликда янги йлга қўйилган ўн та мутахассислик бўйича били ол-моқда.

Акбар ДИЕВ

ИМКОНИЯТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Айтиш жоизки, корхонада етти нафар киши касаначилик асосида ишлайди. Меҳнат бозорига касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча манбаига айланиб бораётгани эътиборга лойиқдир. Ҳозирда «Elima» маҳсулотлари 300 турдан зиёдни ташкил этади. Улар ўзига ҳос дизайни билан ажралиб туради. Ҳар бир буюртма аввало ўрганилади, мавсумга қараб, жой хусусиятлари, тегишли соҳага мос лойиҳалар танланади. Барча жараёнда би-чикчи, дизайнчи, тикувчи-ларнинг маҳорати таъ-минланади.

Иш самарадорлиги ва маҳсулот сифати ҳақида

гап борганда, аввало дастгоҳ ва ускуналар замон талабига мослиги эътиборга олинади. «Elima»да замонавий тикув машиналари ўрнатилган. Ҳозирча корхонанинг бир ойлик ўртача ишлаб чиқаришдан олинандиган соф фойдаси 5-7 миллион сўмни ташкил этади, унинг маълум қисми ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий Ҳимояси-га йўналтирилмоқда.

Келгусида ҳам меҳнат унумдорлигини янада ошириш мақсадида қулай шароитлар қўламини кенгайтириш кўзда тутилган. Бунинг баробарида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги ускуналар ўрнатиш бўйича ҳам изланишлар олиб борил-моқда.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ ВА СИФАТИ ОРТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхонада электр энергияси сарфини ҳисобловчи автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилган. «Асқуз» деб номланган бу тизимнинг афзал жиҳати — энергия тежаш имконини беради, истеъмолчилар сарф қилган электр энергияси ҳаққини ўз вақтида ва аниқ ҳисоб-китоб қилиб боради.

Маҳсулотларига талаб катта бўлгани туфайли «Электрон ҳисоблагич»да ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда. 2009 йилда қарийб 6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона йилгига бир миллион дона электрон ҳисоблагич ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхона ўз маҳсулотлари билан ички бозорни тўлдириш билан чекланиб қолмасдан, ташқи бозорларда ҳам фаол иш юритмоқда. Унинг электрон ҳисоблагичлари изчил экспорт қилинмоқда.

(ЎЗА)

Масаланинг ана шу жиҳати эътиборга олинган ҳолда бутун сайёрамизда 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни арафасида турли ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Диабетга қарши кураш ойлгини ташкил этишдан қўзланган мақсад бутун жамиятнинг диққат-эътиборини ушбу тиббий-ижтимоий муаммага қаратиш, аҳолига қандли диабет хасталиги ҳақида тўла-тўқис маълумот бериш, тиббий маданиятни ошириш, софлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат.

Мазкур акция 1 ноябрдан — 1 декабр-гача давом этади. Ойлик доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, маҳалларда, ўқув юртларида, корхоналарда шифокорлар, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилиши режа-лаштирилган. Болалар ўртасида ижодий танловлар, эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади. Аҳолини профилактика тадбирларига кенг жалб этиш ишларини янада кучайтириш мақсадида жойларда қондаги қанд миқдорини аниқлаш пунктлари фаолияти йўлга қўйилади.

Республика ихтисослаштирилган эн-докринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг вилоятлардаги диспансерларида 13 ноябрь куни очик эшиклар куни ўтказилиши кўзда тутилган. Ушбу тадбирга келганлар бепул тиббий кўрикдан ўтиш, малакали олимлар ва шифокорлардан диабет профилактика-си ҳақида батафсил маълумот олиш им-кониятига эга бўладилар.

Баҳор ХИДИРОВА

Жорий йилнинг 16-24 октябрь кунлари Аргентинада футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

ЮРТ ДОВРУҒИ УЧУН КАМАРБАСТА

моний тарбия институтига қабул қилинмасди. Мана ҳозир икки нафар спортчи-миз айнан шу олий ўқув юрти талабаси. Бу ёшлар учун яратилган имкониятларнинг бир кўринишидир.

Ҳалабага нафақат пухта тайёргарлик, балки спортчи-ларимизнинг масъулиятни яхши ҳис этганлиги ҳам олиб келди. Яхши маълумки, ҳеч ким мусобақага ютказаман деб киришмайди. Чемпионатга жўнаб кетиш олдида албатта ютиб, илгариги ғолибликни сақлаб қоламиз деб ният қилгандик. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган чемпионатда ҳам эришган илк ғолиблик тасо-дифий эмасди. Бизда бу учун етарлича тажриба ва маҳорат бор.

— Жаҳон чемпионатида дунёнинг қарийб йигирмага яқин давлатидан жамоалар иштирок этди. Улардан қайси бири бизнинг йигитларга муносиб рақиб бўла олди?

— Тўғри, кучли жамоалар кўп эди. Жумладан, Россия, Англия, Япония давлатлари энг яхши тайёрланган йигитлардан ташкил топганди. Илк босқичда Бразилияни 1:0, эронликларни 0:0 билан ўйнаб, иккинчи босқичда мо-ҳир ўйинчилар билан юзлаш-дик. Унда Англия жамоасини

6:1, бразилияликларни 4:2 ҳисобида ютдик, россияликлар ва туркияликлар билан 3:3, 2:1 ҳисобида муваффақият қозондик. Ўзга юртда ўзбек футбол ишқибозларининг ўрни билинди. Кишида ватанпарварлик туйғуси ана шундай пайтда яққол намоён бўлади.

— Миллий Паралимпия ассоциацияси таркибида футболдан ташқари, яна қандай спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади?

Имконияти чекланганлар ўртасида турли мусобақалар ўтказиб борилади. Шунинг ҳам айтиб ўтмоқчиманки, Осиё давлатлари ногирон спортчилари ўртасида ҳам терма жамоа тузиш, унга Туркия, Япо-ния, Қозоғистон, Корея каби бир неча мамлакатлардан спортчиларни йиғиш кўзда тутилган.

Футбол жамоамиз 2012 йилда Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам албатта юртимиз шарафини муносиб Ҳимоя қиладди. Дарҳақиқат, гарчи ҳаракати чекланган бўлсада, Ўзбекистон номини жаҳон спорт майдонлари узра ёйиб, халқ обрўи, Ватан мадҳи учун бел боғлаган азамат йигитларимизнинг нияти катта ва улугдир.

Наргиза АСАДОВА суҳбатлашди

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир сайёрамизда уч юз йигирма миллиондан кўпроқ инсон қандли диабет хасталигидан азият чекмоқда. Агар ўз вақтида самарали чоралар амалга оширилмаса, бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб, жамият тараққиётига жиддий раҳна солиши мумкин. Шу боис БМТ томонидан 2006 йилда мазкур касаллик юзасидан махсус резолюция қабул қилинди ва 14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни, деб эълон қилинди.

Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатимиз ҳам бундай хайрли ташаббусларда фаол ишти-рок этиб келаётди. Ўзбекистон Соғлиқ-ни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиб-биёт маркази, Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирлиги, Маданият ва спорт иш-лари вазирлиги каби давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида юртимиз-да анъанавий тарзда ўтказиладиган ди-абетга қарши кураш ойлги бунга ми-солдир.

Мамлакатимизда касалликларнинг ол-дини олиш ва даволаш ишларини тако-миллаштириш, инсон манфаатларини муҳофазалаш соғлиқни сақлаш тизими-да амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишига айланган. Президен-тимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган соғлиқни сақ-лаш тизимини ислох қилишни янада чу-қурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид фармонида белгиланган вазифалар ҳаётага самара-ли татбиқ этилаётгани туфайли шифо масканларининг моддий-техника салоҳи-яти яхшиланиб бормоқда.

Аҳолига ушбу йўналишда кўрсатила-ётган тиббий ёрдам қўламини янада кен-

гайтириш, эндокринологияда жаҳон тиб-биётининг юксак технологияларини кенг қўллаш мақсадида Республика ихтисос-лаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этил-ди.

Ушбу марказ олимлари ва шифокор-лари дунёдаги етакчи илм-фан марказ-

да уч давлат гранти асосида фунда-ментал, амалий ва инновацион лойиҳа-лар бўйича илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Тўқималарнинг инсулин-ни сезувчанлик даражасини, гликирлаш-ган гемоглобинни аниқлаш, аҳоли ўрта-сида диабет реестри мониторингини юритиш усулларини ишлаб чиқишга

Фармон ва ижро

ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 40-модда)

лари мутахассислари билан ҳамкорлик-да эндокринологиянинг долзарб муам-молари, жумладан, қандли диабетнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, жаҳон тибби-ётининг илгор ютуқларини амалга тат-биқ этиш юзасидан кенг қўламли ил-мий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Мазкур марказ илмий котиби Феруза Мухаммедованинг айтишича, деб хабар беради ЎЗА, айни пайтда ушбу йўналиш-

йўналтирилган тадқиқотлар диагности-ка ва даволаш ишлари самарадорлиги-ни оширишга хизмат қилмоқда.

Бошқа хасталиклар сингари диа-бетни ҳам даволагандан кўра олдини олиш инсон саломатлиги ва жамият учун самаралидир. Бунинг натижаси-да диабетни даволашга кетадиган хара-жатлар ўн марта қисқаради, ноги-ронлик ҳамда ўлим кўрсаткичлари ка-маяди.

ЖҲҒТ ПИК ЭЛЕМЕНТЛАР

ДУШАНБА, 8

«Ўзбекистон»

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
07.05 ТВ - ананс.
07.10 «Иқти тасдиқ», Т/с.
07.15 «Тоғни наволар»
08.00 «Ташкилотлар»
08.40 ТВ - ананс.
08.45 - 9.45 «Мазнавият» дастури.
«Болалар сайраси»
09.45 «Бизнинг кутубона»
10.05 «Фирлар бўлган экан», М/ф.
10.15 «Қирол ва мен», Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00 «Абдор»
11.10 ТВ - ананс.
11.15 «Радиога ташриф»
11.30 «Қамолот оstonаси»
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Зар-
рат»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 Миллий кино: «Сукунат»
14.00 «Абдор»
14.15 ТВ - ананс.
14.20 «Ватанпарвар»
15.00 Жаҳон мусиқаси хазинасидан.
Д. Берди. «Фалстаф», 1-қисм.
16.00 ТВ - ананс.
16.05 «Менинг оилам»
16.10 «Кулларнинг бирдаси»
16.40 «Ўзбекистон табияти»
17.00 «Абдор»
17.10 ТВ - ананс.
17.15 2010 йил - Барқамол авлод йили.
«Истиқлол фарзандлари»
«Болалар сайраси»
17.35 «Эртанглар - яхшиликка етак-
лар»
17.55 «Сизнинг адвокатингиз»
18.00 «Олтин мерос»
18.15 Миллий сериал: «Ҳайт синовлари»
18.30 ТВ - ананс.
18.35 «Ватан манзиллари»
18.50 «ТВ - шифокор»
19.25 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Абдор» /рус/.
20.05 ТВ - ананс.
20.10 Миллий сериал: «Туташ тақдир-
лар»
20.45 «Ватанимни куйлайман»
21.00 «Абдор»
21.35 ТВ - ананс.
21.40 2010 йил - Барқамол авлод йили.
«Мен ёшшаман»
21.55 «Қирол ва мен», Т/с.
22.00 «Ўзбекистон»
22.35 «Тўғон», Б/ф.
22.40 «Ойна»
22.45 Кўрсатувлар дастури.
22.55 «Истиқлол фарзандлари»
23.05 «Менинг оилам»
23.30 «Ўзбекистон»
00.35 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Қирол аёқ изидан»
01.30 «Абдор» /рус/.
01.35 - 02.00 «Ватан манзиллари»
02.00дан 06.00гача «Ўзбекистон» теле-
каналда профилактика.

«Бешар»
6.00 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Емиз симфонияси», Т/с.
7.10 «Мультиплатина»
7.50 «Ешқ наволари»
7.55 «Урашув», Б/ф.
8.55 «Телетхуна»
9.00 «Ишон психологияси»
9.30 «Муайнам соқир»
9.50 «Конституция дарси»
10.00 «Давр ҳафта иди»
10.30 Миллий сериал: «Мафтуна»
11.20 «Конституция ва ёшлар»
11.30 «Салом, ёшлар!»
12.00 «Қулуш», Т/с.
13.00 «Давр»
13.10 «Мультиплатина»
13.40 «Ешқ наволари»
14.00 «Император аёл», Т/с.
14.50 «Шарк гавари»
15.35 «Афсона ва ҳақиқат»
16.10 «Давр»
16.15 «Даврнинг бошлари»
16.30 «Қулуш думбюкалар»
16.40 «Қулуш тарқатилди»
17.00 «Эксперимент», Т/с.
17.10 «Ешқ наволари»
18.50 «Ўзбек»
19.00 «Давр»
19.30 «Қулуш», Т/с.
19.50 «Давр»
20.20 «Давр манзиллари»
21.00 «Император аёл», Т/с.
22.00 «Давр»
22.30 Миллий сериал: «Дил пайван-
ди»
22.55 «Ешқ наволари»
23.20 «Қулуш ва боқир»
23.30 «Емиз симфонияси», Т/с.
00.00 «Муайнам дунё»
00.10 «Тасир ва таассурот»
01.20 «Салом, ёшлар»
2.00 «Давр»
2.30 «Сўзсиз олашув», Б/ф.
4.40 «Шарк гавари»
5.20 «Галателлик ағил», Б/ф.
5.50-6.00 «Мадина»

«Тошкент»
07.25 Кўрсатувлар тартиби.
08.00 «Салом, Тошкент!»
08.20 Тошкент тароналари.
08.35 «Карвонасар»
08.45 Мультисериал: «Винни Пух»
22-қисм.
08.55 «Елчи кўш», Т/с 30-қисм.
09.15 «Анонс»
09.20 «Ошиқ бўёқни ҳариди эртас»
Б/ф.
10.35 «Саргузаштлар ороли»

11.00 2010 йил - Барқамол авлод йили:
«Эртаним зағари»
11.15 «Оқ бўйлар», Б/ф.
12.55 «Анонс»
13.00 «Салом, Тошкент!»
13.50 «Нима унун?» гуруҳи тақдим этади:
«Шунчака галлар»
14.05 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс»
15.15 «Елчи кўш», Т/с 31-қисм.
15.40 «Карвонасар»
15.50 «Айёр Хога», М/ф. 1-қисм.
16.35 «Анонс»
16.40 «Қуто командасининг сув ости саргузаштлари», Х/ф. 17-қисм.
17.05 «Менинг шахрим»
17.25 Миллий сериал: «Чемпионлик ор-
зуси», 22-қисм.
18.00 «Анонс»
18.05 «Тошкент тароналари»
18.20 «Анонс»
18.25 «Илгит кўнгли», Т/с 14-қисм.
19.30 Тошкент тароналари.
19.45 «Телекурер-маркет»
19.50 «Анонс»
20.00 «Бизнинг кутубона»
20.20 «Ватанпарвар»
20.25 «Ўйларим»
21.00 «Ишон матонати», Т/с
21.30 «Анонс»
21.00 «Тошкентнинг илм масканлари»
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 «Телекурер-маркет»
21.40 «Интервью»
21.50 «Анонс»
21.55 «Ҳайт фалсафаси»
22.15 «Эко-Пойтахт», /рус/.
22.25 «Анонс»
22.30 «Қулоқ SIMS со звездным»
22.35 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
22.40 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
22.45 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
22.50 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
22.55 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.00 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.05 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.10 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.15 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.20 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.25 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.30 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.35 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.40 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.45 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.50 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
23.55 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.00 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.05 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.10 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.15 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.20 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.25 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.30 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.35 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.40 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.45 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.50 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
24.55 «Қулоқ ва мен», Б/ф.
25.00 «Қулоқ ва мен», Б/ф.

«Тошкент»
07.25 Кўрсатувлар тартиби.
08.00 «Салом, Тошкент!»
08.20 Тошкент тароналари.
08.35 «Карвонасар»
08.45 Мультисериал: «Винни Пух»
22-қисм.
08.55 «Елчи кўш», Т/с 30-қисм.
09.15 «Анонс»
09.20 «Ошиқ бўёқни ҳариди эртас»
Б/ф.
10.35 «Саргузаштлар ороли»

«Тошкент»
07.25 Кўрсатувлар тартиби.
08.00 «Салом, Тошкент!»
08.20 Тошкент тароналари.
08.35 «Карвонасар»
08.45 Мультисериал: «Винни Пух»
22-қисм.
08.55 «Елчи кўш», Т/с 30-қисм.
09.15 «Анонс»
